

ТОШКЕНТ ТОҒШОММИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 55 (10.108)

2004 ЙИЛ 23 МАРТ

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА Сўзларда

● **БУГУН** Алишер Навоий номидаги Санъат саройида Шайхонтоҳур туманидаги мингга яқин ногирон, кам таъминланган оилалар фарзандлари иштирокида хайрия тадбири уюштирилди.

● **БУГУН** Чилонзор туманидаги 22-мехрибонлик уйида Наврўз байрамга бағишланган спорт мусобақаларининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

● **ШАХРИМИЗДАГИ** 66-маҳсус хунара мактабида ўқувчилар иштирокида уюштирилган хайрия тадбири Меҳр ва мурувват йилига бағишланди. Унда тарбияланувчиларга мутасаддиларнинг совгалари топширилди.

● **МИРОБОД** туманида фахрийлар ва ёшлар иштирокида ўтказилган «Уч авлод учрашуви» тадбири фахрийларни қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси ҳамда Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармасининг туман бўлими ҳамкорлигида уюштирилди.

● **ШАХРИМИЗДАГИ** «Истиклол» маҳалласида фаол ёшлар иштирокида Наврўз байрами муносабати билан кўрик-танлов ташкил этилди. Унда қатнашганлар баҳорий неъматлар — Наврўз таомлари тайёрлашдаги маҳоратларини йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат санъат музейида намойиш этилган рассомлар томонидан яратилган асарлар кўргазмаси «Сурхон жилolari» деб номланди.

● **МЕХР** ва мурувват йили ҳамда эзгулик байрами Наврўзи олам муносабати билан 30-мехрибонлик уйи тарбияланувчиларига Тошкент шаҳар ИИББ томонидан эсдалик совгалари топширилди.

● **МИРЗО** Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида «Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар» фандан дарс берувчи олий ўқув yurtларининг профессор-ўқитувчилари иштирокида семинар уюштирилди.

● **ҲАМЗА** туманидаги Жўрабек номи маҳаллада «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан хайрия тадбири ўтказилиб, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож инсонларга дори-дармон воситалари, озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат мурувват ёрдами курсатилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
мухбирларимиз
хабарларидан.



«Орзу-ош тузи» шўъба корхонасида меҳнат қилаётган ёш ва гайратли ишчилар сифатли маҳсулотларни харидорларга тортиқ этишда сидқидилдан меҳнат қилишмоқда.
СУРАТДА: кадокловчилар Барно Ҳақимова ва Назира Холиқовалар ўз вазифаларини удалашда ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда.

Ҳажимжон Солиҳов олган сурат.

Ўзбекистон – Озарбойжон: ҳамкорлик мустаҳкамланаверади

Ўзбекистон ва Озарбойжон халқлари тарихи ва маданиятида кўплаб муштарак жиҳатлар мавжуд.

1995 йилда мамлакатларимиз мустақил давлатлар - халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида сиёсий жиҳатдан қарор топганидан сўнг муштарак манфаатларни намойён этиб, ўзаро дипломатик муносабатлар ўрнатдилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1996 йилнинг май ойида Боку ва Озарбойжон Республикаси Президенти Х.А.Алиевнинг 1997 йилнинг июнь ойида Тошкентга расмий ташрифлари ва улар ўртасида бўлиб ўтган музокаралар натижаларига кўра имзоланган ҳужжатлар икки мамлакат ҳамкорлигига мустаҳкам асос яратди.

Икки давлатнинг халқаро ҳамжамиятга интеграциялашиш, демократик тамойилларга асосланган дунёвий жамият қуриш, минтақавий хавфсизликни таъминлашга интилиши, Европа-Кавказ-Осиё транспорт йўлагини ривожлантиришга қизиқиши ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга туртки берувчи муҳим омиллардандир.

Боку ва Тошкент халқаро ташкилотлар доирасида ҳам унумли ҳамкорлик қилишмоқда. Уларнинг кўплаб халқаро ва минтақавий муаммолар бўйича билдирган фикрлари уларни ҳал этишдаги мақсёларининг ақинлигидан далолат беради.

Имзоланган икки томонлама ҳужжатлар орасида Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шарт-

нома ва 2001-2010 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида битим муҳим аҳамият касб этади. «Эркин савдо тўғрисида», «Сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва химоя қилиш тўғрисида», «Ишлаб чиқариш кооперациялари тўғрисида» ва бошқа шу каби ҳужжатлар савдо-иқтисодий муносабатларни фаол мувофиқлаштириш ва ривожлантиришга, мамлакатларимиз тадбиркорлари фаолиятини кучайтиришга ва ўзаро қизиқишни оширишга имкон беради.

Лекин, салмоқли шартномавий-ҳуқуқий асоснинг мавжудлигига қарамастан, Ўзбекистон ва Озарбойжон ўртасидаги товар айланиши мамлакатларимиз қодир имкониятларида жаъоб бермайди. 2003 йилда у 9,5 млн.АҚШ долларини ташкил этди. Озарбойжонга экспорт таркиби авиасаноат, фармасаноат, қишлоқ хўжалик, тўқимачилик саноати маҳсулотлари ва хизматлардан иборат бўлди. Озарбойжондан эса биз кимё саноати, қора металлургия маҳсулотлари ҳамда механик ва электр ускуналар, қимматбаҳо бўлмаган металллардан ишлаб чиқарилган буюмларни келтирамиз.

Икки томон товар ҳажми ва унинг турларини кўпайтиришга таърирлиги билдирмоқда. 2004 йилнинг март ойида Тошкентда бўлиб ўтган Ҳамкорлик бўйича доимий ҳуқуматларо Ўзбекистон-Озарбойжон

қўшма комиссиясининг еттинчи мажлиси икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни фаоллаштиришда муҳим роль уйнаши даркор.

Булунги кунда Ўзбекистонда озарбойжонлик ҳамкорлар иштирокидаги ичта қўшма корхона рўйхатдан ўтган бўлиб, улардан бири юз фоизли Озарбойжон капиталли ҳисобига ташкил этилган. Булар «ALIEV BARAKAT COMPANY», «OZAZPROMINVEST» қўшма корхоналари ва «ЕЛВИН-М» чет эл корхонасидир.

Маданият, илм-фан ва маориф соҳаларидаги ҳамкорлик имкониятларидан кенг фойдаланиш кўзда тутилган. Яқин кунлар ичиде буюк Озарбойжон шоири ва мутафаккири Низомий Ганжавий хайкалининг очилиши кутилмоқда. Мазкур ёдгорлик унинг номи билан аталувчи Тошкент педагогика университети ёнидаги хиббонга янада кўрамлиқ бахш этади.

Халқаро терроризм, диний экстремизм ва гиёванд моддалар савдосига қарши кураш борасидаги ҳамкорлик мамлакатларимиз келажакдаги учун муҳим аҳамиятга эга. Мазкур масала ҳам икки давлат раҳбарларининг ўзаро суҳбати мавзуини ташкил этади. Озарбойжон Президентининг Ўзбекистонга ташрифиде мамлакатларимизнинг турли соҳаларидаги ҳамкорлигининг ривожига муҳим туртки бериши, шубҳасиз.

«Жаҳон» АА

XXI ҳаср сақоси

Барча мавбалардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

- Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судида «Маъмурий ҳуқуқ ва суд иш юритуви» мавзуида халқаро семинар бўлиб ўтди.
- «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Ахборотномасининг навбатдаги сони нашрдан чиқди.
- Харьков трактор заводи мутахассислари ғўза экиш учун тупроққа ишлов беришнинг янги технологиясини таклиф этмоқда. «ХТЗ-150-07» занжири тракторининг Ўзбекистон қишлоқ хўжалик техникаси ва технологиясининг сертификатлаш ва синовдан ўтказиш давлат марказида бирламчи синови ижобий натижа берди.
- Тошкент шаҳридаги «Шўхрат» маҳалласи аҳли Наврўз байрамини барча қулайликларга эга бўлган янги гузарда қаршилашди.
- Наврўз байрами арафасида Навоий шаҳридаги «Континент-Н ёғ-мой» масъулияти чекланган жамиятида қўшимча 20 тоннага ёғ ишлаб чиқариш қувватига эга янги линия ишга тушди.
- Тошкент вилояти, Бўка туманидаги «Мустақил Ўзбекистон» ва «Жамбул» ширкат хўжаликларида иккита қишлоқ шифокорлик пункти фойдаланишга топширилди.
- «Ишонч-гилам» ишлаб чиқариш савдо фирмасининг саъй-ҳаракати билан Навоий шаҳридаги бўш ётган эски бино гилам тўқиш корхонасига айлантирилди.
- Украина Олий Радаси навбатдаги Президент сайловини шу йилнинг 31 октябрда ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди. Таъкидлаш керакки, амалдаги Президент Леонид Кучма учинчи муддатга ўз номзодини қўймаслиги тўғрисида баёнот берган.
- Жанубий Кореянинг Конституциявий суди мамлакат Президенти Но Му Хенга импичмент эълон қилиш масаласини кўриб чиқмоқда.
- Кипрнинг бирлашуви масаласи юзасидан 28 мартда Швейцарияда Туркия ва Греция бош вазирларининг учрашуви режалаштирилмоқда.
- Хабаровш ўлкасида парранда гриппи эпидемиясининг олдини олишга бағишланган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.
- Индонезиянинг Бали оролида соқинлик кунни нишонланди. Бу кунни индонезиялик буткул соқинликда, уйдаги электр тармоқларидан фойдаланмаган ҳолда ўтказишди.

**ГЕЙДАР АЛИЕВ
ХОТИРАСИНИ
АБАДИЙЛАШТИРИШ
ТЎҒРИСИДА**

Тошкент шаҳар ҳокимининг қаро-рига биноан Миробод тумани ҳудудидаги Озарбойжон Миллий маданият марказининг янги бино-си жойлашган Кичик Бешёғоч кўчасига таниқли давлат ва жамо-ат арбоби, Озарбойжон Республи-касининг собиқ Президенти, ўзбек ва озарбойжон халқлари дўстлиги тараққиётига катта ҳисса қўшган Geydar ALIYEV номи берилди.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган қўшма корхона-лар орасида Озарбойжон дав-лати билан ҳамкорликда таш-кил этилган жамоаларнинг ҳам ўз ўрни бор. Пойтахтимизда иш олиб бораётган «Кондиционер», «Узпромивест», «Интер груп», «Алиев-баракат компани», «Электрофан» ва бошқа Ўзбе-кистон-Озарбойжон қўшма корхоналарида тайёрланаётган рақобатбардош маҳсулотлар хоржий давлатларга экспорт қилиниб, кўрсатилаётган си-фатли хизматлар буюртмачи-ларни мамнун этмоқда.

**АЛОҚАЛАР
МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА**

«Электрофан» қўшма корхо-наси илмий ишлаб чиқариш жамоаси ҳисобланиб, бу ерда 10 нафар малакали мутахассис-лар фаолият кўрсатади. Корхо-на Мустақиллик меваларидан саналиб, 1994 йилда ташкил топган. Улар ишлаб чиқараёт-ган электр ускуналари турла-ри эса йилдан йилга кўпайиб, сифати ҳам ортиб бормоқда. Шунингдек, жамоа ишчи-хиз-матчилари улкан бунёдкорлик юмушларида ҳам иштирок этиб электр-монтаж ишларини ба-жаришади. Айниқса, корхона тадбиркорлари томонидан ма-ҳаллий хом ашёдан фойдаланиб тайёрланаётган электр ток меъёралагич, электр шкаф ҳамда бошқа электр ускуналарига айна пайтда қўшни республи-калардан ҳам харидорлар бор. Шу боис ҳам улар айна дамда сифатга алоҳида эътибор қари-тиб, маҳсулот экспортини йўлга қўйишга ҳаракат қилиш-моқда.

— Ўтган йилда йирик-йирик корхоналар учун 40 та электр ток меъёралагич ишлаб чиқар-ишга муваффақ бўлдиқ, — дейди қўшма корхона раҳбари Алишан Бакиров. — Кўплай электр-монтаж ишларини амалга оширдик. Албатта, иш-ларимиз ривожда мамлакатда чет эл сармоядорларига яра-тилган шарт-шароитлар, қўллаг-қувватлашлар катта ёр-дам бермоқда. Ана шу имко-ниятлардан фойдаланиб келгу-сида ҳам ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, электр ускуна-ларининг зарур ва харидоргир турларини яратишни, маиший электр жиҳозлари тайёрлашни режалаб турибмиз.

Шарифа ИЛЁСОВА

ИНСОН РЕСУРСЛАРИ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Ўзбекистон-Япония инсон ресурслари маркази фаолиятини ба-ҳолаш учун япониялик экспертлар гуруҳи мамлакатимизга таш-риф буюрди. Ушбу марказ Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ҳамда Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги(JICA) ўрта-сида 2000 йил октябр ойида имзоланган битимга кўра 2001 йил августидан ташкил этилган эди. Унинг лойиҳа қиймати 5 миллион АҚШ доллари миқдорига бўлиб, фаолият муддати беш йил.

— Комиссия ўзбек- япон марказининг ўтган икки ярим йил-лик фаолиятини даволат қилиб, — деди мат-буот анжуманида сўзга чиққан гуруҳ раҳбари, Марказий Осиё ва Кав-казорти мамлакатла-ри минтақавий депар-таментининг бошқа-рувчиси Масарау Уоя. — Маълум бўлишича, ҳисобот даврида лойиҳа доирасида марказдаги беш ой-лик бизнес- менеж-

мент курсларида 900дан зиёд ўзбек фу-қаролари сабоқ олиш-лар, 700га яқин киши-лар япон тилини турли даражада ўрганишган, 200дан зиёд ёшлар эса компьютер курсларида таълим олишган.

— Бундан ташқари, ўтган икки ярим йил мобайнида 70 минг на-фар ўзбек фуқаролари инсон ресурслари марказида бўлиб, япон халқи маданияти, унинг миллий анъана-

лари, тарихий ўтмиши билан танишдилар, — дея давом этди Маса-рау Уоя. Хусусан, улар чой маросимлари ва бошқа тадбирлар во-ситасида икки мамла-кат маданий ҳамкор-ликларида иштирок этишди.

— Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги лойиҳа ни-ҳоясига етгандан кей-ин уни яна беш йилга узайтиришни таклиф қилишмоқда, — деди

Масарау Уоя. — Бу ма-сала Япония ҳукумати муҳокамасига кирити-лади ва у ижобий ҳал этилади.

JICAнинг Ўзбекистон-даги ваколатхонаси раҳбари Каэ Янагиса-ваннинг таъкидлашича бундай марказлар яна сақкизта мамлакатда фаолият кўрсатмоқда. Хусусан, улар Монго-лия, Лаос, Камбоджа, Мянма, Вьетнам, Козо-кистон, Қирғизистон ва Украина мамлакат-ларида жойлашган.

Япониялик эксперт-лар гуруҳи ташриф давомида ўз фаолият-ларини кенгайтириш мақсадида Бухоро шах-рида бўлишди.

«Туркистон-пресс»

Матбаа


**СИФАТГА АЛОҲИДА
ЭЪТИБОР**

Бирор китоб харид қилмоқчисиз дейлик. Сиз албатта, унинг муқоваланиши, қоғози, чирой-ли кўриниши ва сифатига аҳамият берасиз. Айниқса, дарсликларнинг кўп йиллар хизмат қилиши мақсадга мувофиқ. Айни шундай си-фатли дарслик ҳамда матбаа маҳсулотлари ҳозирда Фафур Фулом номидаги нашриёт-мат-баа ижодий уйида босмадан чиқарилмоқда.

— Мазкур ижодий уйимизнинг 230 нафар сергайрат ишчи-хиз-матчилари, — дейди корхона раҳ-бари, иқтисодиёт фанлари ном-зоди Рихситилла Ҳақимов, — иш-лаб чиқаришда сифатга алоҳида эътибор қаратишади. Чунки ички бозоримиздан фақатгина рақобатбардош маҳсулотлар му-ким ўрин эгаллаши мумкинлиги

лигига эришил-моқда. Корхонадаги қолип тайёр-лаш, чоп этиш, қоғоз қирқувчи, муқовалаш ҳамда экспедиция цехларида ўз ишининг усталари бўлган малакали ходимлар меҳ-нат қилмоқдалар.

Бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда иш кўзини билган корхона ишчи-



ҳозирги кунда ҳеч кимга сир эмас.

Ўтган 2003 йилда корхона жа-моаси 1,5 миллиард сўмлик маҳ-сулотлар тайёрлаб, буюртмачи-ларни мамнун этди. Эришилган ютуқлар ўз-ўзидан бўлгани йўқ албатта. Европа тикланиш ва та-раққиёт банкидан олган кредит ҳисобига корхонага Германия давлатининг юқори самарали замонавий машина ва дастгоҳла-ри келтирилиб, ишга туширил-ди.

Жумладан, дизайн-студия му-тахассисларининг жонбозликла-ри ҳам таҳсинга лойиқ. Улар ёр-дамида яқин йиллардан буён мат-баачиликда асосий мезон ҳисоб-ланган рангларнинг ўзаро уйғун-

лотларимизнинг 90-95 фоизини мактаб, академик лицей, коллеж ўқувчилари ҳамда олий ўқув юр-тлари талабалари учун дарслик-лар ташкил этади, — дей-ди Фафур Фу-лом номидаги нашриёт-мат-баа ижодий уйининг бош му-ҳандиси Маҳмуд Мина-варов. — Қол-ган қисми эса 10 турга яқин матбаа маҳсу-лотларидан иборат.

Айни кун-

ларда корхона тадбиркорлари «Буюк Ипак йўли» банкидан кре-дит олиш тадориғини кўрмоқда-лар. 200 миллион сўмлик кредит ҳисобидан корхона учун янги хо-рижий машина, ускуналар ҳамда технологик линия сотиб олиш мўлжалланган.

Хуллас, нашриёт-матбаа ижо-дий уйи жамоасининг келгуси режалари бисёр. Улар доимо ян-гиликка интилиб, рақобатбардош маҳсулотлари билан ички бозо-римиздан муносиб ўрин эгаллаш мақсадида меҳнат қилмоқдалар.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА
СУРАТЛАРДА: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйининг дизайн студи-яси бошлиғи Максуд Жабборов ёш, сеҳли дизайнер Алишер Ақромовнинг ишидан мамнун; муқовалаш цехида иш қизгин; корхона бош муҳандиси Маҳ-муд Минаваров ҳамда назо-ратчи Наталья Ҳасанова чоп этилган дарсликларни кўздан кечирмоқдалар.**

Ҳақимжон Солихов олган суратлар.



БОҒДА НАВРЎЗ БАЙРАМИ

Шаҳримиздаги Гафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ҳам, диёримизнинг барча жойларида бўлгани каби Наврўз байрами катта шукуҳ билан ўтказилди. Эрта тонгда янграган карнай-сурнай садолари пойтахтимиз меҳмонлари ва ҳамшаҳарларимизни боғда ўтказилаётган байрам сайлига чорлади.

Боғнинг марказий эстрада майдони байрамона тусда безатилиб, ундан ўзбек алломаларининг Наврўз ҳақидаги сўзлари ажиб бир гўзалликда ўрин олди. Саҳнада халқимизнинг севимли хонандаси Абдували Ражабов ўзининг Наврўз байрамини тайёрлаган махус дастурини томошабинлар эътиборига ҳавола қилиш билан байрам дастури бошланди. Аста-секин байрам концерт дастури қизигандан-қизиб авж палласига кира борди. Бунда «Маржон» гуруҳи, хонанда Гафур Нугмонов, «Антика» кулгу театр жамоаси, «Водил чинори» халқ цирк гуруҳи, «Нигоҳ» ҳажвий театр студияси, ёшларнинг севимли хонандалари Жамол Сайфуллаев, Лола Аҳмедова ва ушбу боғнинг «Улугбек юлдузлари» бадий жамоаси шу куни то кечга қадар дам олувчиларга байрам кайфиятларини улашиб, ўзларининг дастурларини намойиш этдилар.



Боғнинг бошқа концерт майдонларида ҳам байрам дастурлари намойиш этилди. Томошабинларга айниқса Чилонзор туман Маданият ишлари

бўлими тизимидаги таниқли бадий-ҳаваскорлик жамоалари ва Тошкент шаҳар маданият уйлари қошидаги дасталарнинг чиқишлари катта таассурот қолдирди.

Боғнинг яшил ҳудудларида она заминни улуг'ловчи қадимий ўйинлар, маросимлар ва бошқалар жонланди. Ўзига хос рақслар, қўшиқлар, сюиталар, шоирларнинг ҳаёт, дунё, эзгулик, меҳнат ҳақидаги шеърлари жаранглади. Бу ерга келганлар ҳаёт икир-чикирларидан ҳолиланиб, фалсафий-афсонавий томоша воқсалари кўйинга шўнгангандек ҳис-туйғу ва таассуротларга эга бўлдилар.

— Боғимизда Наврўз байрами шукуҳлари мана, учинчи кундири давом этмоқда, маданий-маърифий тадбирлар билан бир қаторда Чилонзор туман ҳокимлиги томонидан Меҳр ва муруват йилидаги Наврўз байрамга бағишлаб туман аҳли учун катта байрам дастурхони ёзилди. Дастурхон атрофида ташкил қилинган байрам дастурларида кўқон-



лик ва марфилонлик таниқли аскиячиларнинг ичакузди пайровлари, «Ўзбекнаво» концерт бирлашмасининг етук хонандалари, туман бадий-ҳаваскорлик дасталарининг чиқишлари йиғилганларга кўтаринки руҳ бағишлади. Байрам кунлари «Вестерн юнион» компанияси томонидан боғда дам олувчилар учун тайёрланган турли кўринишдаги совринли ўйинлар, улар томонидан тарқатилган Наврўз таомларидан сумалак ҳамда жажжи кичкинтойлар учун улаштилган турли совғалар байрам кайфиятини кўтарди. — деди боғнинг бадий раҳбари Мирзааҳмад Содиқов.

Бир сўз билан айтганда қадимий ва ҳамisha навқирон Наврўзи олам шукуҳи ҳар бир боғда дам олувчи юртдошимиз қалбига ёрқин ва илҳомбахш нур каби жо бўлиб, байрам кайфиятини улашди.

Ўтқир СУЛТОНОВ,
«Оқшом»нинг жамоатчи муҳбири
СУРАТЛАРДА: Гафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган Наврўз байрами шодиларидан лавҳалар.

СУМАЛАК БАҲОНА ДИЙДОРЛАШУВ

Ўлкамизда фасли баҳор ила дилларимизни яйратиб, кўзларимизни кувнатиб Наврўзи олам шодиларини давом этмоқда. Шукроналар бўлсинки, мустақилликка эришгач отаболаримиздан мерос бўлиб келаётган миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз қайта тикланди. Наврўз янгича мазмун билан бойиди, аҳамияти, қадри ортди.

Наврўзи олам келиши билан айниқса момоларимиз, оналаримиз баҳорнинг тансиқ таоми сумалак, ҳалим тайёрлашга ошиққадилар, сумалакнинг хушбўй ҳиди атрофга ёйилиб димокка урилади. Мана ҳар йилдагидек Чўлпоной опанинг хонадонига бугун катта дошқозонларда сумалак пиширилмоқда. Опанинг ёру дўстлари, яқинлари, кўни-кўшилари қозон атрофида жамулжам йиғилишган. Кимдир қозон кавлашга, кимдир ундирилган буг'дойнинг шарбатини чиқариш билан, яна бошқа биров дастурхон безаш билан овера. Йиғилган аёллар чехраларида шодлик, кувноқ қаққақа остида гавжумлашиб боришар, сумалак қайнаётган қозонни кавлаш иштиёқидалар.

— Чўлпоной опанинг сумалаги бошқаларни кига ўхшамайди, жуда мазали, худди шоколад бўлади-да, — деди кимдир.

— Вой, мен Чўлпоной опанинг сумалакларини ҳар йили соғиниб кутаман, жуда ширин бўлади, — деди яна кўшни бир аёл.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам Чўлпоной опа кўп қаватли уйда яшасаларда, уй олдидидаги кичик бир жойда қозон ўрнатишга жой топадилар. Кўнгил кенг бўлса ҳамма нарса сиғиб кетаверар экан. Чўлпоной опа ҳақиқатан меҳнатқаш, интилувчан, камтарин, қалби тоза аёл, фарзандларига эса меҳрибон она. Аёллар қуршовида қозон атрофида юзлари қизариб сумалакни кавлаётган Чўлпоной опадан сумалакни қачондан буюн, нима мақсадда тайёрлашлари ҳақида сўрадик.

— Мен 20 йилдан буюн ҳар Наврўз айёмида сумалак пиширишга одатланганман. Сумалакни раҳматли Иноятхон онамдан ўрганганман. Онам сумалак тайёрлашга уста эдилар. Жуда ширин бўларди. Ёшлигимдан биланман, ҳар баҳор ҳовлимизда



қариндошлар, кўшиллар йиғилишиб онам боччилигида сумалак пиширишар, лапарлар, ёр-ёрлар айтиб ўйин-кулги қилишарди. Онам жуда камсуқум, меҳнатқаш аёл эдилар. Сумалак пишириб кўпчиликка тарқатиб, диллари яйрар, кўнгиллари хотиржам бўларди. Мен ҳам онамга ҳавас қилиб шу баҳорий таомни ўргандим. Ҳар йили сумалак пишириб ҳаммага тарқатиш иштиёқида бўламан. Сумалакни пиширишдан мақсадим — яқинлар, дўст-дўгоналар, кўшиллар билан дийдорлашиб, ҳамжиҳат бўлиб дилдан суҳбатлашиб, барчани меҳр-оқибатга, эзгуликка чорлаш, қадимий анъ-

аналаримизни сақлаб қолишдир. Сумалак баҳона дўстлар, яқинлар дийдорлашувидан кўнглим тоғдек кўтарилади. Сумалак улашиб менинг ҳам дилим яйрайди, албатта.

Чўлпоной опа истикомат қилаётган кўп қаватли уйда кўп миллатли аҳоли яшар экан. Қачон сумалак пиширасиз, деб рус, корейс, уйгур, татар кўшилари ҳам унинг сумалагини соғиниб кутишар, ховлига қозон кўйилиши билан сумалак кавлаймиз деб ёрдамга чиқишаркан.

Ҳақиқатан ҳам сумалак биқирлаб қайнаётган қозон атрофига разм солиб ҳар хил миллатга мансуб аёлларни кўрдик. Ҳамма хурсанд. Бирдан кувноқ куй-қўшиқлар, шўх рақслар бошланиб кетди. Бироздан сўнг Чўлпоной опа қозонни завқ билан кавларкан янги ёзган сумалак номли шеърини ўқий бошлади.

Қадрият тикланиб сийланди номинг, Қалблардан жой олди мукаддас шонинг. Насиба улашди бизга кирқ малак, Минг дардга шифодир хушбўй сумалак. Момолар айтишар лапар куй-қўшиқ, Оҳангига ўйнар қиз-жувон жўшиб, Аллоҳ инъом этган ризку рўз кўшиб, Гойибдан яралдинг жоним сумалак.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТДА: Чўлпоной опа меҳмонларни сумалак билан сийламоқда.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат

Кўллариға хино, қошлариға ўсма кўйиб, турфа гуллардан гулчамбар тақиб кўҳна заминимизга табиатнинг эрка қизи Баҳорой келди. У олам узра ўзининг селини кўз-кўз қилиб, ҳарир чойшабини ёйиб юборди. Бинафшаю ялпизлар ҳиди атрофга хушбўй таратмоқда. Ариқлардан оқаятган сувнинг жилдираши, бир-бирига навбат бермай сайраётган қушлар гўё соғинч қўшиғини айтаётгандек. Гулдан гулга кўшиб учаятган капалаклар эса шу куй оҳангига рақс тушяётгандек.

АЙЁМ МУБОРАК!

Ҳа, табиат уйғонмоқда. Ёшлик, яшариш фасли бу... Баҳорни севги фасли дейишарди. У туҳфа этган бу туйғу юракларни забт этган ёшларга дунё бундан-да гўзал, бундан-да боқира кўринади. Бу туйғу Сизларни ҳеч қачон тарк этмасин. Чунки севгимухаббат ҳамisha гўзалликка, яхшиликка чорлайди.

Момоларимиз шу кунларга эсон-омон етганларига шукроналар айтиб, бинафшаларни юз-кўзларига суртиб, чеккаларига тақиб олишган. Ой билан ҳусн талашгудек зебо қизлар ўзгача безанишган. Кўллари дуодан бўшамайдиган, юз-кўзларидан нур ёғилиб турувчи бувижонлар дошқозон тепасида сумалак кавлаб, алёр, лапарлар айтишса, опохонлар ўзбекона меҳмоннавозлик билан бор пазандалиklarини намойиш қилиш учун кўк сомса, кўк чучвара, худлас баҳорий неъматлар билан дастурхон тугаб, бир-бирларини сийлашмоқда. Диёримизнинг ҳар гўшасида байрам тантаналари авжида. Куй қўшиққа, қўшиқ лапарга, айтишувларга уланиб байрам кўрқига кўрк қўшмоқда.

Азиз опа-сингиллар, узок, яқиндаги дилдош дўгонажонлар! Айём муборак. Ўзгача шукуҳ, ўзгача эҳтиром билан кезаятган Наврўзи олам эзгулик, бахт, омад, қут-баракка, меҳр-саодат олиб келаяпти. Ҳаммамизга бирдек азиз, ардоқли Наврўзни бағримизни кенг очиб ёруғ юз билан кутиб олайлик. Баҳорий кайфият ҳеч биримизни тарк этмасин. Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин.

Зилола МАННОПОВА



Хаваскор боғбонларга

Кўчат эк, боғ бунёд қил

Халқимизда «Яхшидан боғ қолади» деган нақл бор. Лекин бутун бошли боғни бунёд этиш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун неча йиллар тер тўкиб, меҳнат қилиш керак. Бир сўз билан айтганда, ёш болага қандай парвариш лозим бўлса, ниҳолларни ҳам ана шундай парвариш қилиш керак бўлади.

Ўзбекистонда мевали ва резавор мевали ўсимликларнинг 70 тури ўсади. Мевали дарахтларнинг нормал ўсиши ва тўғри ривожланиши кишидан катта меҳнат талаб қилади. Бу борадаги биринчи агротехник тадбирлардан дастлабки мевали дарахтларга шакл беришдир. Маълумки, республикамизда кўпчилик мевали дарахт турларига паст танали шакл бериш усули кўпроқ қўлланилади. Марказий танада асосий шохларнинг жойлашиши характерига қараб шох-шаббаларга ярусли, косасимон, сийрак ярусли, бутасимон шакл берилади. Мевали дарахтларга танасидан 80-100 сантиметр баландликда, баланд танали дарахтларга эса 150-200 сантиметр баландликда шакл берилади.

Кейинги йилларда сийрак, ярусли шакл бериш усули кенг қўлланилмоқда. Бу усулда дарахтда тананинг турли томонларида бирин-кетин жойлашган 5-8 та асосий ва битта-иккита қўшимча шох қирқилади, асосий шохлар орасида тана бўйлаб оралик қолади. Бу шохларнинг танада мустахам ўсишини таъминлайди, шох-шабба жуда қалинлашиб кетмайди.

Буташ, шох ва новдаларни қискартириш ҳамда шох-шаббани сийраклаш билан дарахтларга шакл берилади.

Қискартириш усули қўлланилганда шу йили ўсган новдаларнинг ёки кўп йиллик шохларнинг бир қисми кесиб ташланади. Шох-шаббанинг ички қисми сийраклаштириладиган бўлса, новда, шох ёки бутоклар асосий танага туташган жойдан қирқиб ташланади. Дарахтлардан янги новдалар ўсиб чиқиши учун эски ва қуриган шохларни кесиб ташлаш лозим.

Шохларнинг кесилган жойига боғ малҳами ёки алиф аралаштирилган мойли бўёқ суртиб қўйилади. Дарахтларни ёшартиришда уларнинг умумий ўсиш кучига қаралади. Сусти ўсаётган ёки нимжон дарахтларни бир йилда эмас, икки йилда ёшартирса ҳам бўлади. Ёшартиришдан олдин дарахт ўсаётган ернинг ҳар бир квадрат метрига 5-6 килограмм чиринган гўнг ёки минерал ўғит аралашмаси солиб, қондириб суғурилади. Тўғри ёшартирилган дарахтлар яна 10-15 йил, ҳатто бундан ҳам узоқ йил ҳосил беради. Бундай соғлом дарахтдан ширин-шакар мевалар териб истеъмол қилиш мумкин. Узоқ умр кўришлигининг асосий омилларидан бири бўлмиш мевали дарахтларни кўпайтириш ва уни парваришлаш ишлари асосан баҳор ва куз ойларида олиб борилишини унутманг.

Б.УСМОНОВ, боғбон

Сув — бу бизга табиат томонидан берилган ҳаёт манбаи, бебаҳо неъмат, бойлик ва инъомдир. Сув — ҳаётнинг бузилишида, об-ҳаво ва иқлимнинг ўзгаришида, шунингдек инсон саломатлигини сақлашда муҳим роль ўйнайди. Ҳозирги кунда инсоният олдида сувни тежаш тадбирлари кўндаланг бўлиб турибди ва уни баҳоли қудрат ижобий ҳал этиш йўллари изланмоқда. Бунинг учун аввало сувни ифлос қилмаслик ҳақида қайғуришимиз керак. Шунингдек, атроф-муҳитга антропоген омиллар таъсирини ўрганишимиз, назорат қилишимизни ҳам давр биздан тақозо этмоқда. Бу эса экологик мониторинг тизимини ташкил этиш ва унинг ёрдамида атроф-муҳитга минтақавий ва глобал миқёсда тўғри баҳо бериш имкониятини яратди.

Экологик мониторинг тизимининг асосий мақсади ер юзидagi сув манбаларини назорат қилишдан иборат. Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза

қилиш қўмитаси ташкил топган кундан рёсидир. Каналларнинг бўйларида сув лайдиган ҳудудлар бўлиб, улар ушбу сув ҳавзаларига турлича таъсир кўрсатадилар. Бундай корхоналар ичида очик сув манбаларига чиқинди оқава сувларни ташлайдиган, шунингдек, бу сувларнинг турли даражада ифлосланишига йўл қўётган хонадонлар ҳам мавжуддир.

Жорий йилнинг апрель-май ойларида шаҳримиз ҳудудидан оқиб ўтувчи Бўржар канали, Салор, Қорасув ва бошқа каналлар бўйича рейд ўтказилди. Масалан, биргина Бўржар канали бўйича ўтказилган рейд натижаларига эътибор берадиган бўлсак ҳамма нарса аён бўлади-қолади. Канални сув билан асосан Бўзсув таъминлайди. Каналнинг ўнг қирғоғи Чилонзор туманига, чап қирғоғи эса Яққасарой туманига қарашлидир. Ўнг қирғоғда асо-

Мўлоҳаза

СУВ — ҲАЁТ МАНБАИ

Инсоният доимо табиат кўйида фаолият кўрсатади, табиат билан узвий алоқада бўлади. Одамзотга нималар керак бўлса барчасини табиатдан олади. Кишилар энг аввало ўзларининг меҳнат фаолияти билан табиатга жуда катта таъсир кўрсатадилар. Бу фаолият оқилона ташкил этилмаса ва табиат билан тўғри муносабат ўрнатилмаса инсоният ўзи ва табиат учун муаммолар келтириб чиқаради. Инсон юритаётган ҳўжалик фаолиятининг атроф-муҳитга таъсири муаммолар ичида энг асосийси — тоза сув муаммоси муҳим ўринни эгаллайди. Чунки ер юзасидаги сувлар атроф-муҳитнинг энг таъсирчан қисми ҳисобланади.

ресурсларидан фойдаланувчи бир қанча йирик ва кичик корхоналар, аҳоли иш-

сан корхоналар, маълумгина қисмида эса «Чилонзор» маҳалласига қарашли хусусий уйлар жойлашган. Чап қирғоғда эса корхоналар билан бир қаторда аҳоли яшайдиган маҳаллалар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Бу жойларда хусусий хонадонлар ўз хожатхоналари, ҳаммомлари, молхоналарини сув бўйига қуриб олишган. Улардан чиқаётган оқава сувлар эса тўғридан-тўғри Бўржар сувига оқизилади. Бундай мисолларни бошқа каналлар юзасидан ҳам келтириш мумкин.

Мустақил республикамиз олдида табиатни муҳофаза қилиш ва унинг бойликларидан оқилона фойдаланиш каби улкан вазифалар турибди. Сув — бизнинг бойлигимиз, табиат томонидан берилган бебаҳо неъматдир. Уни ифлослантирмасдан тежаб-тергаб фойдаланиш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Д.СУЛТОНОВА, нозир.



№3 (143) Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси

«Тошбошрежа ЛИТИ» институти томонидан шаҳримиздан оқиб ўтувчи йирик каналларнинг сувини муҳофаза қилиш зоналарини белгилаш ва ташкил қилиш бўйича ишлаб чиқилаётган лойиҳанинг биринчи босқичи якунланди. Лойиҳада қуйи Бўзсув каналининг қирғоққолди майдони кенглиги 40 метр, сувни муҳофаза қилиш зонаси майдонининг кенглиги эса 200 метрдан 300 метргача қилиб белгиланган.

Лойиҳа

АНИҚ МУДДАТ БЕЛГИЛАНДИ

Шу асосда яқин келажакда қуйи Бўзсув каналини қайта таъмирлаш, ўзанини тўғрилаш, қирғоқларини текислаш, ўзанини тўғрилаш, жумладан «Пахтакор» маҳалласи, Токзор кўчасидаги 20, 23-хонадон, Оқтепа маҳалласи, Қошғарий кўчасидаги 3А, 22, 32-хонадонлар, Мирхунд кўчасида жойлашган 53, 57, 59-хонадонлар, Тошкандий кўчасидаги 40, 43-хонадонлар, шунингдек Боғистон кўчасидаги 60-хонадон ва бошқалар канал қирғоқларини ифлослантираётганликларни маълум бўлди. Улар ўз молхоналарини сув яқинига қуришиб, улардан чиқаётган турли хил чиқиндиларни тўғридан-тўғри сувга оқизишмоқда. Бу хонадон эгаларига тегишли миқдорда жарималар солинди ва камчиликларни барта-раф қилиш юзасидан ба-зарилиши зарур бўлган вазифалар белгиланди.

О.ТУРОБОВ, давлат нозир.

Қорақамиш канали қирғоққолди ва сувни муҳофаза қилиш зонаси ни белгилаш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимининг 204-сонли қарори қабул қилинган бўлиб, бунда қирғоққолди майдони кенглиги 30 метр, сувни муҳофаза қилиш зонаси майдонининг кенглиги эса 200 метр қилиб белгиланган.

Табиатни муҳофаза қилиш нозирлари Акмал Икромов тумани санитария-эпидемиология станцияси хизматчилари иштирокида ўқоридаги каналлар бўйича рейд уюштиришди. Бунда каналларнинг қирғо-



Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси нозирлари тез-тез жойларда бўлишиб, у ерларда табиат муҳофазаси йўлида йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни аниқлашди ва айбдорларга жарималар солишди. Қуйида ана шундай жаримага тортилганлардан бир нечтаси эътиборингизга ҳавола этилди.

Текширувлар

ЭКОЛОГИЯ КУНДАЛИГИ

• Чилонзор туманида жойлашган «Автотехизмат» акциядорлик жамиятининг муҳандиси И.Қараханов 6 минг сўм жаримага тортилди. У маъмурий жавобгарлик кодексининг 91-моддасига биноан маиший чиқиндиларни корхона ҳудудидан ўз вақтида олиб чиқиб кетилишини таъминламаганилиги учун шундай жазога лойиқ деб топилди.

• «Митрофанов РССК» корхонасида очик сув ҳавзаларига ташланаётган сувларнинг таркиби назорат қилинмаган. Бунга йўл қўйган бош муҳандис ҳисобига 5 минг 500 сўм жарима ёзилди.

• «Тобон» хусусий фирмасида яроқсиз ҳолга келган люминисцент лампалар ўз вақтида зарарсизлантирилмаган. Бу ҳол фирма раҳбари Д.Азимов ҳамёнига 5 минг 500 сўм зарар келтирди.

• «Хамкор-Бирдамлик» корхонаси ҳудудида рухсатсиз дарахт кесилганлиги аниқланди. Бунга йўл қўйган корхона ишчиси А.Абдулов 16 минг 400 сўм жарима тўлашга мажбур бўлди.

• «Ўзбекнефтогаз» компаниясида рухсатсиз дарахт кесилган. Бунинг учун бошқарма бошлиғи Т.Ирматов 16 минг сўм жарима тўлаш билан қутулди.

• «Демир-инвест» шахсий кор-

хонасида автотранспорт воситаларидан чиқарилаётган зарарли моддаларни текшириш ишларини ўз вақтида олиб боришни назорат қилмагани учун корхона раҳбари Р.Исмоилов ҳисобига 5 минг 500 сўм жарима солинди.

• Назоратчилар «Ўзбек-Лада» корхонасида бўлганларида у ерда артезиан кудуги учун сувдан махсус фойдаланиш рухсатномаси мuddати тугаган бўлишига қарамай, корхонада сувдан бемалол фойдаланилаётганлигини аниқлашди. Бундай ўзбошимчилик корхона бошлиғи Б.Эгамбердиев ҳамёнига 6 минг сўм зарар келтирди.

• «ИАБ-Анвар» хусусий фирмаси раҳбари А.Иноғомов экологик экспертиза хулосасини олмай туриб иш юритганлиги сабабли 6 минг сўм жарима тўлади.

• «Тошшаҳарюктранс»нинг 2515-автоколоннасида Салор каналига ифлосланган оқава сувлар чиқариб ташланган. Бу ҳолат автоколонна бошлиғи Йўлдошев ҳисобига 11 минг сўм жарима солиш билан якунланди.

• «Марказий Жарариқ коммуналчи» корхонасида маиший чиқиндилар ўз вақтида олиб чиқиб кетилмаган. Бунга йўл қўйган бошлиқ ўринбосари Е.Болтабоев 5 минг 500 сўм жарима тўлади.

Бў — қизик

ГИЛАМ ЎРНИГА ЎТ

Ўз яшил боғи ва кўм-кўк майсалар ҳақида орзу қилаётган кишилар учун Голланд тепаликларига жойлашган «Мером Голан» кибуцидан «Тоф Голан» компанияси балкон ва ҳаттоки хоналарнинг полини жонли майсалар билан қоплаш бўйича хизмат кўрсатади. Шу йўл билан жонли майса қисман гилам қопламларининг ўрнини босиши мумкин.

«Тоф Голан» компаниясининг раҳбарлари, бунда гап ниҳоятда жонли ўт ҳақида бораётганлиги ва уни босганда эзилиб, ўзининг жонлигини йўқотишидан хавотирланмаса ҳам бўлишини таъкидламоқда. Ўт бир неча юз минг йиллар аввал Голланд тепаликларига вулконлар томонидан чиқариб ташланган махсус вулкон тошларидан ясалган 10 сантиметр баландликдаги асосга экилади. Бу

тошлар майса гилами устидан ҳеч қандай хавотирсиз юришга имкон беради.

Янгилик майса гиламларини плиткали ва бошқа турли хил қаттиқ қопламли ерларга қоплашга имкон беради. Хар гал чангюттичида тозалаш ва ювиш керак бўлган оддий гиламлардан фарқли равишда майсали гиламларни фақатгина вақти-вақти билан суғориш ва текислаб туриш кифоя.

Маслаҳатлар

ЖОНГА МАЛҲАМ

Ўлкамизда баҳорнинг илк нафаси эса бошлаши билан кунлар исий бошлайди, табиат уйғонади. Борлиқ ажиб гўзалликка бурканиб, кўм-кўк майсаю ўрик гулларининг хушбўй хидлари оламга таралади. Бу сўзсиз киши организмга ҳам таъсир қилади. Бекорга ҳам донишмандлар «Кўкдамда илик узилади, ер одамнинг қувватини олади» дейишмаган. Ёз, қуз, қишда истезмол қилинган мева, кўкат ва сабзавотлар таркибидаги дори-дармонларнинг баҳорга борганда қуввати камаяди. Шундай кунларда иложи борича сифатли озиқ-овқатлар, витаминларга бой сабзавотлар: кўк пиёз, саримсок, сабзи, равоч, исмалоқ, жағ-жағ, беда, отқулоқ ва мана шундай кўкатлардан тайёрланган сомса, чучвара, манта, райҳон солинган таомларни ейиш жуда фойдалидир. Булардан ташқари сумалак ва ҳалим каби жонга малҳам таомлар одамга куч-қувват бағишлайди.

Шарқ дурдоналари



БАЙТ:
Сақла қадру кимматингни
эй ўгул,
Хикмат ахли сўзларини
қил қабул.

• Донишмандлардан Ибн Ямин айтади:

Дунёда энг азиз ва энг фойдалли нарсага эга бўлишни истасангиз, ўзингиз билан фикрдош, ҳамқалб, самимий бир дўстни топингиз, самимий, чин дўстнинг моҳияти, ҳислати сизнинг дўстингизга — дўст, душманингизга — душман бўлишдир. Шундай ҳақиқий дўстни топсангиз, уни жонингиздек азиз тутинг.

Кўп хатоларга йўл кўйганингизда ор-номус қилсангиз, камолот ҳосил қилишга ғайрат қилинг. Ақл қонунга мувофиқ бўлган ишлар билан машғул бўлинг, шундан ташқарига қадам қўйманг.

Шаън-шарафингизга доғ туширишни истамасангиз, ёмонлар билан ошна-оғайничлик қилманг, улар билан сўхбатлашманг.

Ўзингизни олтин, лаъл, ғавҳар билан эмас, илму ҳунар ва ахлоқ, тарбия билан безатинг.

Дунёда ҳеч бир нарса учун иззат ва обрўйингизни тўкманг. Ҳеч кимдан бир нарса таъма қилманг.

БАЙТ:
Ким таъма қилса, ўзин
хор айлагай,
Хорликдан ўзини бемор
айлагай

• Олимлардан Химматзода айтади:

— Бир касал одамни зиёрат қилиб хол-аҳволни сўраш, тасалли бериб, кўнглини кўтариш энг яхши ишдир. Фақат зиёрат қилганингиздан кейин унинг ёнида эзмалик қилиб кўп ўтирманг, хайрлашиб тезроқ қайтишга ҳаракат қилинг, касални тинч қўйинг, безовта қилманг.

Қадимги араб халифаларидан Хорунарашиднинг дўсти, сўхбатдоши шоир Абунувос касал бўлиб қолди. Унинг ҳолини сўрагани кўп киши келиб кетди. Бир кун икки киши келиб, бемаза сўзлар сўзлашиб, бемор ёнида узок вақт ўтирдилар. Дардининг зўрлигидан безовта бўлиб турган Абунувос бу икки эзманинг сўзларидан жуда ҳам безор бўлди, буларни чиқариб юборишга ҳар қанча ҳаракат қилса ҳам фойдаси кўринмади. Ниҳоят, у ўрнидан сакраб турди, кўрпа-ёстигини ўраб елкасига кўйиб ҳалиги эзмаларга:

— Мана кўринг, мени кўрган келганингиз туфайли касаллигим тамом йўқ бўлди, тузалдим, ўрнимдан туриб ўрин-бошларимни йиғиштирдим. Хайр, энди кетсангиз ҳам бўлади. Бошқа бир вақтда сизларни зиёфатга чақирман, ўшанда узок вақт сўзлашиб ўтирамиз, — деди ва шу тadbир билан у икки эзмани уйдан чиқариб юборди, жони тинчланиб роҳатланди.

ХИССА: — Ақлли одам ҳар бир ишни ақл ўлчови билан ўлчаб, сўнгра бажариши керак. Шундай қилмаса, у одам фалокатга ва ҳалокатга учрайди. Ўзи уйда қилолмаган бир ишга киришиш — нодонликдир.

• Машҳур олимлардан Абу Мансур ас-Саолбий айтади:

— Мулоиймлик дарахтини эккан киши, саломатлик мевасини тереди. Қийналишдан кўриб ўрганишни давом эттирмаган киши, илми эгаллай олмайдди. Тўғри, ҳақ гапирган киши ҳаммининг ишончини қозонади. Душман билан яқинлашган кишидан унинг дўстлари қочадилар. Ишнинг оқибатини ўйлаган киши фалокатлардан омон қолади.

БАЙТ:
Ҳар киши душманга бўлса
рағбати,
Охири ундан кўрар минг
офати.

1394 йилнинг 22 мартада Шохруҳ Мирзо ўғил кўради. Бу вақтда соҳибқирон Амир Темур Эроннинг ғарбидаги Султония шаҳрида ҳарбий юришда эди. Шохруҳнинг ўғлига Мухаммад Тарагай исми берилди. Лекин болаликданок уни Улуғбек деб атай бошлайдилар, бу кейинчалик унинг асосий исми бўлиб қолди.

Отаси Амир Темурнинг учинчи ўғли бўлиб Хуросон ҳукмдори, маърифатли, илм-фанга қизиққан шоҳ эди. Шу туфайли у дунёнинг турли бурчақларидан турфа хил фанларга доир кўп китоб ва қўлёзмаларни олдириб келиб, Самарқандда катта кутубхона ташкил этади, ёшларнинг илм эгаллашлари учун кенг имконият яратади. Улуғбекнинг онаси Гавҳаршодбегим ҳам ўз даврининг оқила, билимдони, тadbиркор аёллардан ҳисобланар эди. Отаси Улуғбекнинг тарбиясига алоҳида эътибор бериб, жисмонан соғлом, ақл-заковат, ахлоқ-одоб ва илмда баркамол бўлиб етишувига ҳаракат қилдилар. Улуғбекни ўз даврининг зукко ва тажрибали мураббийлари тарбиялаб, саводини чиқарадилар, уни диний ва дунёвий илмларнинг асоси билан таништирадилар. Улуғбек араб ва форс тилларини мукамал ўрганади, кўп вақтини кутубхонада мутолаа билан ўтказади.

Мирзо Улуғбек ёшлигиданок аниқ фанларга, шуниингдек, тарих ва адабиётга қизиқади. Форобий, Беруний, Абу Али ибн Сино, Умар Ҳайём ва бошқа олим ва шоирлар фаолиятини, ислом илминини ўрганади, ўз даврининг таниқли олими ва санъат ҳомийси сифатида шухрат қозонади.

Улуғбек 17 ёшида Мовароуннахр ҳукмронлигини эгаллайди. Унинг ташаббуси билан ўлкада илм, адабиёт, санъат ахллари фанларнинг янги-янги қирраларини оча бошладилар. Улуғбек ўз фаолиятида асосан астрономия (фалакиёт) фанини ривожлантиришга катта аҳамият беради, шу билан бирга, кўплаб истеъдодли шоирлар, ижодкорларни тўплаб, уларга шароит яратади, маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантириб туради. Масалан, унинг раҳнамолигида меъморчилик ривож топади: Бухоро, Самарқанд ва Ғиждувонда мадрасалар, Марвда хайрия муассасалари, «Чихл устун» («Қирқ устун»), «Боғи майдон» боғлари барпо этилади.

Самарқанддаги мадраса қурилиши 1417 йили бошланиб, уч йилда қурилиб битирилади. Тез орада Улуғбек мадрасага мударрис ва олимларни тўплай бошлайди ва шу тариқа унинг Самарқанддаги фалакиётшунослик мактаби шаклланади. Бу мактабнинг асосий мударрислари илмий ишлари-

га қулай шароит ва паноҳ излаб Темур давридаёқ Самарқандга келган Мавлоно Аҳмад ва Қозизода Румий каби олимлар эди. Қозизоданинг маслаҳати билан Улуғбек отасининг мулки Хуросоннинг Кошон шаҳридан Ғиёсиддин Жамшид Кошийни чакиртиради. Самарқандга Мовароуннахрнинг турли шаҳарларидан ва Хуросондан тўпланган олимларнинг сони 1417 йилга келиб 100 нафардан ортиб кетади. Улар орасида адиблар, муаррихлар, ҳаттолар, rassомлар, меъморлар бор эди. Лекин юлдузшунослик ва риёзиёт соҳасидаги олимлар шарафлироқ ва обрўлироқ эди. Улар орасида Қозизода

Мирзо Улуғбек таваллудининг 610 йиллигига

**БУЮК ОЛИМНИНГ
НАМИЙ МЕРОСИ**

Мирзо Улуғбек Мовароуннахрда, бутун Ўрта Осиёда маданий ривожланиш, дунёвий илмларга қизиқиш кучайган даврда яшagan, ижод этган, Ўрта Осиё халқлари илм-фани ва маданиятини жаҳон миқёсига олиб чиққан улуг сиймолардандир.

билан Коший энг салобатли ва нуфузли эдилар. 1420 йили Самарқанд мадрасасининг тантанали очилиши бўлади. Восифнинг ёзишича, биринчи мударрис этиб Мавлоно Мухаммад Ҳавофий тайинланади. Улуғбек барпо этган Самарқанд мадрасаси ва илмий тўғараги Шарқ маданияти ва фани тарихида ниҳоят улкан аҳамият касб этди, мамлакат равнақиға катта таъсир кўрсатди. Бу ерда кўплаб буюк сиймолар шаклланди. Жумладан Хуросоннинг Жом шаҳрида 1414 йили туғилган бўлажак улкан шоир Жомий Улуғбекнинг Самарқанд мадрасасида тахсил кўрди. У бу ерда Қозизода, Улуғбек ва Али Қушчи каби улуг олимларнинг маърузаларини эшитди ва уларнинг тарбиясида бўлди. Улуғбек атрофида тўпланган Самарқанд олимлари катта аҳамият берган энг муҳим илмий йўналишлардан бири фалакиётшунослик фани эди.

Мирзо Улуғбек 1424 йилда Самарқандда Обираҳмат суви ёнида Ғиёсиддин Жамшид, Абдуали Биржандий, Мансур Коший, Мирьян Чалабий ва бошқа олимлар билан биргаликда қурган расадхонасида сайёралар сирини ўрганади. Унинг бошчилигида юздан ортиқ олимлар илмий-тадқиқотлар олиб бериб, астрономия ва математика соҳасида катта кашфиётлар яратиб, жаҳонга машҳур бўладилар. Бу тадқиқотлар етти иқлимга донги кетган Самарқанд расадхонасида амалга оширилади. Натижанда Улуғбек 1018 юлдузнинг ҳолати ва ҳаракатини аниқлайди, астрономияга доир бир неча асарлар ёзади. Бу асарларнинг асосий мазмуни «Зижи ҳадиди Кўрагоний» деб аталувчи астрономия жадалви ташкил этади. Жадвал жаҳон фани ривожига

муҳим ҳисса бўлиб қўшилади. Расадхона негизда Самарқанд астрономия мактаби вужудга келади. Бу мактабда Мухаммад Ҳавофий, Салоҳиддин Мусо ибн Маҳмуд (Қозизода) каби таниқли олимлар дарс берадилар.

Улуғбек илмий меросининг энг асосийси, маълум ва машҳур унинг «Зиж»и бўлиб, бу асар «Зижи Улуғбек»дир. «Зижи ҳадиди Кўрагоний» деб ҳам аталади. «Зиж»идан ташқари унинг қаламига мансуб риёзиёт асари — «Бир даража синусини аниқлаш ҳақида рисола», юлдузларга бағишланган «Рисолаи Улуғбек» (ягона нусхаси Ҳиндистонда Алигарх университети кутуб-

хонасида сақланади) ва тарихга доир «Тарихи араб» улус» асаридир.

1449 йили Улуғбекнинг фожиали ҳалокатидан сўнг Самарқанд олимлари аста-секин Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари бўйлаб тарқалиб кетадилар. Улар ўзлари борган

ерларга Самарқанд олимларининг ютуқларини ва «Зиж»нинг нусхаларини ҳам етказадилар. Жумладан, Али Қушчи 1473 йилда Истанбулга бориб, у ерда расадхона қуради. Шу тариқа Улуғбек «Зиж»и Туркияда тарқалади ва Туркия орқали Оврупа мамлакатларига ҳам етиб боради.

Ҳозирги кундаги маълумотларга кўра «Зиж»нинг 120 га яқин форсий ва 15 дан ортиқ арабий нусхаси мавжуд. Ўрта асрларда ёзилган ҳеч бир астрономик ёки риёзий асар бунчалик оммалашмаган. «Зиж» мусулмон мамлакатларининг деярли барчасида ўрганилган.

Мирзо Улуғбекнинг ҳам подшо, ҳам олимлигини Алишер Навоий ва бошқа шоирлар ўз асарларида тараннум этадилар.

Замондошимиз, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов «Ўзбекистон» шеърида шундай тасвирлайди:

**Бирлардан сўз кетса зинҳор,
Бир калом бор гап аввалида.
Осмон илми туғилган илк бор,
Кўрагоний жадвалларида.
Қотил қўли қилич солди маст,
Қуёш бўлиб учди тилла бош.
Дўстлар, кўкда юлдузлар эмас,
У, Улуғбек кўзидаги ёш.**

Мирзо Улуғбекнинг Мовароуннахрда ҳукмронлиги давридаги бунёдкорлик ишлари, илм-фандаги тараққиётини ўрганиш ҳозирги даврда ҳам ёш авлодни тарбиялашда муҳим ўрин тутади.

**Ақром АКМАЛОВ,
Республика
«Маънавият ва маърифат»
маркази бўлим мудири,
педагогика фанлари
номзоди, доцент.**

ҒОЛИБ ФРАНЦИЯГА БОРАДИ

Тошкентда француз тили билимдонларининг театр танлови ўтказилди. У Виктор Гюго номидаги француз маданият маркази томонидан уюштирилди.

— Танловда Тошкент, Самарқанд, Андижон ва Бухоро шаҳарларидаги олий ўқув юр்தларининг 19 та ҳаваскорлик жамоалари иштирок этди, — деди Франция элчихонасининг маданият масалалари бўйича маслаҳатчиси Симон Торжман «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Талабалар француз тилига ижодий ёндашганлари ҳолда Франция, Бельгия, Швейцария ва Жазоир адибларининг асарларидан лавҳалар ижро этишди.

Франция ва Бельгия элчихоналари вакиллари ҳамда В.Гюго номидаги марказ ходимларидан иборат ҳайъат аъзолари энг яхши актёр-талаба ва гуруҳни аниқлади. Танлов якунларига кўра Ўзбекистон жаҳон тиллари универ-

ситети учинчи курс талабаси Аревик Шахраманян ғолиб деб топилди.

— У француз тилини пухта билади ва тезда образга кириш лаёқатига эга, — дея таъкидлади В.Гюго номидаги марказ маслаҳатчиси Жаклин Плесси. — Ғолиб ўн кун Францияда бўлиб, француз тили билимдонларининг йиллик анъанавий фестивалида катнашади.

Шунингдек Ўзбекистон жаҳон тиллари давлат университетининг актёр-талабалари Ўзбекистон шаҳарлари бўйлаб ижодий сафар қилиш ҳуқуқини кўлга киритишди.

**Н.ДЕВЛИСУПОВА,
«Туркистон-пресс»**

— Омонулла ака, ҳақиқатан ҳам кейинги пайларда сийсий, иқтисодий-ижтимоий, маданий соҳаларда амалга ошаётган туб ислохотлар аста-секин театрлар саҳнасида ҳам ўз ифодасини топаётганлиги сир эмас. Шу маънода, театрларнинг бугунги фаолияти тўғрисида фикрларингизни билмоқчи эдик.

— Албатта, бошқа соҳалар қатори, театр санъати ҳам мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий ислохотлар замирида янгиланиб, босқичма-босқич, аста-секин ривожланишда давом этмоқда. Бу ислохотларнинг туб моҳияти энг аввало, муҳтарам Президентимиз томонидан 1998 йил 26 март куни имзоланган «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги тарихий Фармонда белгиланган вазифаларни амалга ошириш йўлидаги иштироки ва иланишларда кўринади. Бугунги кунда Миллий истиқлол ғоясини томошабинларга, айниқса, эндигина шаклланиб келаётган ёш авлод оғига синдириш, она-Ватанга муҳаббат, меҳр-муруват, саховат сингари чин инсоний туйғуларни улғувчи, миллий ва умумбашарий қадриятларни тараннум этувчи бадиий баркамол саҳна асарлари яратиш борасида олиб борилаётган назарий ва амалий жараёнларнинг янги бир босқичига кириб келдик.

— Айтгинчи, бу босқичнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

— Энг аввало, бугунги кунга келиб, бозор муносабатлари тобора турмуш тарзимизга сингиб бораётган бир пайда, театрларимизнинг замонга мос равишда ўз ижодий қўлларини толиш ва тўри изга тушиб олиш йўлидаги иланишларнинг дастлабки натижалари кўринмоқда. Албатта, ушбу натижалар турли театрларда турлича намён бўлмоқда. Камчиликлар билан бир қаторда, баъзи ютуқлар ҳам кўзга кўриниб қолди. Айрим театрларимизнинг номи нафақат мамлакатимизда, ҳатто дунёнинг энг ривожланган хорижий давлатларида ҳам эътироф этилмоқда. Собик шўролар даврида Москва-нинг руҳсатисиз бирон-бир хорижий давлатга Ўзбекистон номидан эркин сафар қилолмаган санъаткорларимиз қисқа давр ичида кўплаб чет мамлакатларда ўтказилган қатор халқаро театр фестиваллари, кўриктановларда муносиб иштирок этиб келмоқдалар. Жумладан, Ўзбек Миллий академик драма театри, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта театри, Аббор Хидоят номидаги Ўзбек давлат драма театри, Ўзбекистон Ёшлар театри, Республика ёш томошабинлар театри, Аббос Бакиров номидаги Андижон шаҳар Ёшлар театри, Самарқанд вилоят кўғирчоқ театри, Республика кўғирчоқ театри, «Илхом», «Мулоқот», «Эски мачит» театр-студиялари ва бошқаларнинг АКШ, Англия, Франция, Германия, Италия, Япония, Бельгия, Жанубий Корея, Миср, Исроил, Ташиқ, Малайзия, Туркия, Россия ва бошқа қатор хорижий мамлакатлардаги гастроллари, алоҳида режиссёр ва актёрларнинг чет мамлакатлардаги ижодий ва илмий анжуманлардаги иштироклари, шунингдек, хорижий санъаткорларнинг Ўзбекистонга қилган сафарлари бунинг мисолидир. Шу билан бирга, ўтган қисқа давр мобайнида Ўзбекистонда Республика ва халқаро миқёсдаги «Наврўз», «Шарқ ва Фарб», «Хумо», «Андижон баҳори», «Мустақиллик тимсоли», «Сархисоб», «Ниҳол» сингари қатор театр фестиваллари мунтазам ўтказилаётганлиги ва унда мамлакатимиз санъаткорлари қаторида чет эл театр жамоалари ҳам иштирок этаётганлиги барчага маълум. Бугунги кунда ривожланган хорижий мамлакатларда ўтказилаётган кўплаб ну-

фузли халқаро фестивалларга театрларимиз жамоаларини таклиф этиб юборилаётган номаларнинг салмоғи тобора ортиб бормоқда. Ҳатто, бир қанча иқтидорли ўзбек режиссёрлари чет элларда, хорижлик режиссёрлар аса бизнинг театрларимизда спектакллар саҳналаштириб, ижодий ҳамкорликни йўлга қўйганлар. Бу ҳақда 2003 йил апрель ойда Наманган шаҳрида бўлиб ўтган «XXI аср—Ўзбек театри: режиссура ва актёрлик санъати истиқболи» мавзусидаги ҳамда декабрь ойда Тошкент шаҳрида болалар театрига бағишланган «XXI аср Ўзбекистон кўғирчоқ театри санъати истиқболлари» мавзусидаги республика семинар-кенгашлари доирасида ўтказилган илмий-амалий конференцияларда очик-ойдин, профессионал фикр-мулоҳаза, таклиф-таъсиялар билдирилди. Анжуман натижалари оммавий-ахборот воситалари орқали кенг ёритилди ва энг долзарб вазифалар белгиланди.


— Улар нималардан иборат ?



Халқаро театр кўни олдиқдан

ЯНГИ ЙЎНАЛИШДАГИ ФАОЛИЯТ БОШЛАНДИ

Истиқлол туфайли халқимизнинг маънавий-маданий ҳаётида улкан ўзгаришлар юз берди. Шу жумладан мустақиллик театр санъати тараққиётига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Хўшайни кунда замонавий ўзбек театрларининг аҳоли, ютуқ ва муаммолари нималардан иборат? Шу хусусда биз «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, Ўзбекистон театр ижодкорлари уюشمаси раиси Омонулла РИЗАЕВ билан суҳбатда бўлдик.



— Энг асосий вазифа муҳтарам Президентимиз ҳақли равишда талаб қилаётган замонавий мавзудаги бадиий мукаммал асарларни саҳнага олиб чиқиш.

— Бугунги кунда қайси саҳна асарларини бунга мисол келтири оласиз?

— Бундай спектакллар деярли барча театрларимиз репертуридан тобора кўпроқ ўрин эгаллаб келмоқда. Бу жараёнда пойтахт театрлари жамоалари алоҳида жонбозлик қилишмоқда. Масалан, Ўзбек Миллий академик драма театрининг «Бир қошона сирлари», «Бир қадам йўл», Муҳимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театрининг «Осмоннинг бағри кенг», «Топталган туйғ», Аббор Хидоят номидаги Ўзбек давлат драма театрининг «Қайтар дунё», Ўзбекистон Ёшлари театрининг «Қабоҳат тузғони» ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят театрларининг ўнлаб спектакллари шулар жумласидандир. Спектаклларнинг саногии кўп, лекин ҳамма гап уларнинг бадиий мукамаллиги ва тарғибот-ташвиқот ишла-

рининг қай даражада йўлга қўйилганлигидир. Афсуски, баъзи театрларимиз ўзларининг ижодий маҳсулотларини томошабинларга етказиш соҳасида сусткашликка йўл қўймоқдалар. Натижада, яхшигина саҳна асарларининг кенг томошабинлар оммасига етиб бориш жараёни қийин кечмоқда. Бу соҳада сиз оммавий-ахборот воситалари ходимларининг ёрдами ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга. Шу ўринда, Тошкент шаҳар ҳокимининг ташаббуси билан кейинги икки йил давомида қилармиш ва театр раҳбарлари билан қатор ижодий мулоқотлар уюштирилиб, театрлар фаолиятига кўмаклашиш, томошабинларни жалб этиш, ёшлар тарбияси акс эттирилган асарлар яратиш ва тарғиб қилиш масалалари борасида қатор ташкилий-ижодий ишлар амалга оширилаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим деб бўлди.

— Маълумки, ҳар йили 27 март — Халқаро театр кўни мамлакатимизда кенг нишонланади. «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бу йил ушбу байрамни нишонлаш учун қандай тайёргарлик кўрмоқда?

— Бу йилги театр ижодкорларининг касб байрами ўзгача, ҳам байрамона кайфият, ҳам ишчан бир муҳитда ўтказилиши кўтилмоқда.

Маълумки, ўтган 2003 йил давомида Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ташаббуси билан йирик театр мутахассисларидан иборат махсус гуруҳ тузилиб, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги барча театрларнинг фаолияти алоҳида-алоҳида, атрофлича ўрганиб чиқилди. Муҳокамалар натижасида юзга келган фикр-мулоҳаза, таклиф ва таъсиялардан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда театр жамоаларининг янада самарали фаолият кўрсатиши учун энг қулай шакл, бу махсус «лойиҳалар» асосида спектакллар саҳналаштиришга ўтиш, деган хулосага келинди. Ушбу лойиҳаларни амалга оширишда асарни саҳналаштириш давридан бошлаб, то томошабинга етиб борувчи, драматург, саҳналаштирувчи ижодий гуруҳ, кадрлар масаласи, реклама-тижорат ҳамда гастроль тизимини шакллантиришга қараб барча ташкилий, ижодий ва иқтисодий масалалар комплекс ҳолда қамраб олинади. Ҳозирда илк маротаба Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар театрларида ўндан ортик катта лойиҳа асосида замонавий мавзуда янги саҳна асарлари яратиш буйича қилинаётган ҳаракатлар ниҳоясига етиб қолди. Насиб қилса, шу йил 27 март — Халқаро театр кўни Ўзбек Миллий академик драма театри биносида ушбу лойиҳаларнинг Республика кўрик-фестивали очилади. Шу кун «Ўзбекистон театр

санъатини ривожлантириш тўғрисидаги» Фармон эълон қилинганлигига 6 йил тўлди. Анжуманга барча театр мухлисларини, мутахассислар, ижодий уюшмалар, оммавий-ахборот воситалари ходимлари ва кенг жамоатчилигини таклиф қиламиз.

Халқаро театр кўнида бошланиб, қарий бир ҳафта давом этадиган бу анжуман театрларимизнинг бугунги қизгин фаолиятини кенг жамоатчиликка намойиш этади, қизгин мунозара, мулоқотлар театр жамоаларини янада жиҳдий ва самарали ижод сари етказилади, деб умид билдирамиз.

— Самимий суҳбатингиз учун миннатдорчилик билдирамиз. Театр байрами кунлари суҳбатимиз янада қизгин, кенг доирада давом этади, деган умиддамиз.

Дилором ИКРОМОВА
суҳбатлашди.

СУРАТЛАРДА: пойтахт театрларида намойиш этилаётган спектакллардан лавҳалар.

Бека

ПИШИРИШ СИРЛАРИ

Пишириладиган масалликларнинг тури кўп: дон, сабзавот, мева, гўшт, баллиқ, сут, тухум, хамир маҳсулотлари ва ҳоказо. Буларнинг ҳар бири ўзига хос усулда пиширилади. Шунинг учун ҳам пиширишнинг бир неча хил технологияси усуллари келиб чиққан.

1) Қовуриш: а) очик қовуриш (кабоб пишириш); б) ёққа қовуриш (аввал хўп доғланган ёғда масаллик қизартириб пиширилади). Бу усул билан тайёрланган таомнинг лаззати яхши, тўйимлиги юқори бўлади; в) жазлаш (озгина ёққа кўп масаллик солиб, сели чиққач, милдиратиб пишири).

2) Қайнатиб пишириш; а) сувда қайнатиш; б) сутда қайнатиш. Қайнатиш усулларининг пиширишдан аҳамиятлиги шундаки, қанча кучли олов берилса-да, масаллик суюқликка ботиб тургани учун ҳароратнинг 100 градустан ҳеч ошиб кетмаслигини таъминлайди. Бинобарин, инсон организм учун зарур моддалар куйиб кетмайди. Улар эриб суюқликка қўшилиди — таом тотли бўлади. Бирок шарақлатиб қайнатиш ярамайди, чунки каттик қайнаниб да пишираётган маҳсулотнинг сирти қотиб, бағридаги моддалар эритмага айланмай қолади ва натижада қайнатилма таом кўп ҳолда бемаза чиқади. Милдиратиб қайнатиладиган эса масаллик хил-хил бўлиб, таркибидagi озуқа моддалари яхши эрийдими ва фойда лаззатли чиқади. Демак, таомни тез ва лаззатли қилиб пишириш кучли олов берилишига боғлиқ бўлмай, маълум технологик усуллардан тўғри фойдалана билишига боғлиқдир.

3) Буглаш: а) қасқонда буглаш; б) қозонда димлаш. Бу усулда тайёрланган таомларнинг физиологик аҳамияти фойда катта. Улар организмга яхши сингади. Буглаш ва димлаш идишининг қопқонини хиппа ёпиқ туришини талаб этгани учун буг билан бирга ҳавога учиб кетадиган моддалар, шунингдек, витаминлар ҳам таом таркибидa кўпроқ сақланиб қолади.

Буглаш — пиширишнинг энг осон усулидир. Шунинг учун таом тайёрлашни энди ўрганаётган кишилар дастлаб ушбу усулдан бошласалар айни мудоа бўларди. Қасқонда фақат мантинга эмас, кўп хил маҳсулотларни пишира бўлади. Сиз бир парча гўшт олиб туз ва зира сепингда, арчилан картошка билан бирга қасқонга қўйинг. Ярим соатдан сўнг лаззатли ва фойдали таом тайёр бўлганини кўрасиз, вақтингиз бехуда сарф бўлмайди.

4) Тандирда пишириш: а) дандирда тандирда пишириш; б) ер тандирда пишириш; в) духовкада пишириш. Бу усуллар анча мураккаб бўлиб қўнма ва тажрибакорлик талаб қилади. Тандирдаги хамир маҳсулотларига инфрақизил нурлар ва тандир деворининг тапти таъсир қилади, хамир маҳсулотидан акралган бугунинг иссиқлигида мураккаб технологик ва кимёвий жараён содир бўлади. Шу сабабли тандирда пиширилган сомса ва нонлар шифолик хусусиятларига эга.

5) Мураккаб комбинацияли усулда пиширишга: а) қовуриб қайнатиш; б) қовуриб қайнатиб дамлаш. Яъни мураккаб комбинация усулида мавжуд усулларнинг бир нечаси бирик кетин бажарилади. Палов тайёрлаш шу мураккаб усулга кириди. Кимки палов тайёрлаш усулини яхши эгаллаб олган бўлса, бошқа таомларни ҳам бемалол тайёрлай олади.

Спорт

ГИЛАМДА КУРАШИМИЗ УСТАЛАРИ

Илгари хабар берилганидек, Ўзбек давлат циркида миллий курашимизни янада ривожлантириш, уни халқ ўртасида оммалаштиришдек хайрли мақсадларни кўзлаб ташкил этилаётган «Ўзбекистон — полвонлар юрти» кураш-шоуси иккинчи мартаба ўтказилди.

Муҳлислар билан лиқ гула залда гиламга дастлаб Андижон вилояти ва Тошкент шаҳри белбоғли кураш усталари тушиди. Унда 5:2 ҳисобида андижонлик курашчиларнинг кўллари баланд келди.

Турли вилоятлар ҳўжаликлари раисларининг бухороча кураш усулларида кўч синишишлари ҳам муҳлисларда қизиқиш уйғотди.

100 килограммгача вазн тоифасида бухоролик собиқ жаҳон чемпиони Камол Муродов ва Сурхондарё вилояти вакили Ўткир Курбонов ўртасидаги баҳс бошланғичда кўпчилик тажрибали Камолнинг ғалабасини кутганди. Бироқ ёш ва умидли полвон Ўткир Курбонов жуда кучли рақибни устидан муддатидан илгари ғалаба қозondi.

Албатта, мутлақ вазндаги беллашувлар доимо турли мусобақаларнинг гултожи ҳисобланади. Ушбу вазнда хиндистонлик алпкомат Житендер Алумия ва кашқадарёлик Нурилло Абдуллаев баҳс юритиб, у ҳамюртимизнинг ишончли ғалабаси орқали ўз поёнига етди.

Юқорида айтганимиздек, бу каби мусобақалар, томошалар миллий спорт туризмизнинг ишқибозлар ўртасида янада оммалашуви, ёшлар ўртасида қизиқиш ортатишида муҳим омил бўлади.

ДОВОН ЯНА ЗАБТ ЭТИЛДИ

Маълумки, ҳар қандай мамлакат чемпионатида ҳам юзта тўп киритиш ўзига хос довондан ўтиш дея ҳисобланиб, бу ҳар бир ярим ҳимоячи ва ҳужумчининг орзусидир.

Ўтган ҳафтада мамлакат чемпионатининг «Навбахор» ва «Сурхон» жамоалари ўртасида ўтказилган учинчи тур учрашувида «Навбахор» ҳужумчиси Шўҳрат Мирҳолдирашов ана шу аҳойиб довондан ўтди. Яъни у ўз фаолияти давомида юзичи тўпни тўрга туширди.

Шуни эслатиб ўтамоғимизки, бу борда ҳозирча Жаъфар Ирисметов 156 та тўп киритган ҳолда карвонбошилик қилмоқда. Юзта тўп киритганлар клубида ҳаммаси бўлиб ўн учта аъзо бор.

(Ўз мухбиримиз)

«Сувсоз» трести Давлат унитар корхонасининг ичимлик суви ва оқава суви хизмати учун №№ 000866 дан 000875 гача рақамли йўқолган тўлов ҳужжатлари **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Собир Рахимов туман хотин-қизлар кўмитаси Беруний маҳалласи хотин-қизлар кўмитасининг кўп йиллик раисаси

Назира РАИМОВАнинг вафот этганили муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва ақин қариндошларига чуқур таъзия изҳор қилади.



Кураш

ШОГИРДЛАРИ МАҲОРАТИ ОШИБ БОРМОҚДА

Пўлатнинг ёшлик чоғлариданоқ спорт билан шуғулланишга, ўз устида ишлашга интилиш хусусияти сабаб бўлиб мураббийлар назарига тушди. Унинг кичик жисмоний камчилиги мавжуд бўлиб, қулоғи кар бўлса-да, бироқ бу юнон-рум ва эркин кураш бўйича маҳорати муттасил ўсиб боришига тўсқинлик қилолмади.

Шуни таъкидлаш керакки, тез орада карлар ўртасида унга тенг келадиган курашчилар қолмади, соғлом спортчилар билан эса тенгма-тенг курашарди. Натижалар эса узоқ куттирмади. Тез орада у спорт устаси унвони талабларини бажарди. 1968 йилда карлар ўртасида мамлакат чемпиони бўлди ва 52 килограммгача вазнда то 1972 йилга қадар қаторасига бир неча бор чемпионат олтин нишонларини қўлга киритди.

1973 йилда Пўлат Жўраев Швецияда карлар ўртасида бўлиб ўтган олимпиада ўйинларида қатнашиб ҳам эркин, ҳам юнон-рум кураши бўйича олтин медаллар билан она юртига қайтди.

Пўлат Жўраевнинг мураббийлик соҳасидаги ютуқлари ҳам салмоқли. Унинг шогирдларидан уч киши мамлакат чемпионлигини қўлга киритган бўлса, шунча курашчи 2-ўринлар соҳиб бўлди.

Кейинги йилларда карлар ўртасидаги мусобақаларда иштирок этаётган курашчиларимизнинг халқаро майдондаги ғалабалари учун кенг имкониятлар очилди. Жумладан 2001 йилда Италия пойтахти Рим шаҳрида ўтказилган йирик халқаро турнирда Пўлат Жўраевнинг шогирди

Кўл жанги
ГОЛИБЛАР МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ

Республика кўл жанги федерацияси ҳамда «Динамо» спорт жамияти Марказий кенгаши ташкилотчилигида «Динамо» спорт-соғломлаштириш клубида тўрт кун давомида кўл жанги бўйича 13-15 ёшли ўсмирлар ва қизлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.

Турнирда Бухоро, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидан ташқари барча вилоятлардан ташриф буюрган ва майдон эгаларидан иборат 28 та жамоа таркибида 116 нафар ёш спортчилар 40, 45, 50, 55, 60, 65, 70 ва ундан юқори вазнларда ғалаба учун кураш олиб боришди.

Қизиқarli беллашувлардан сўнг умумжамоа ҳисобида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар кўл жанги республика федерацияси жамоаси голиблик нашидасини сурди. Янгийўл шаҳри командаси иккинчи, «Карим Локомотив» (Тошкент шаҳри) жамоаси эса учинчи бўлишди.

Биринчилик яқунларига кўра энг яхши натижаларга эришган ва чиройли ўйин


кўрсатган спортчилар махсус совринлар билан тақдирланди. Жумладан, янгийўлик Бўрибой Йўлдошев ва Муса Маматовлар «Ғалабага бўлган интилиши учун», пойтахт вакили Талъат Фуломов эса «Энг яхши техника учун» махсус совринларига эга бўлди.

Кўл жанги бўйича Ўзбекистон биринчилигининг барча голиб ва совриндорларига дипломлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: гиламда кўл жангининг ёш усталари; мусобақанинг голиб ва совриндорлари.

Алексей Попов олган суратлар.



Қобил Умбаев оғир вазнда фахри учинчи ўринни эгаллаган бўлса, ўзбекистонлик курашчилар жамоаси олтинчи ўринни банд этди.

Ҳозирги кунда заҳматкаш мураббий Пўлат Жўраев Малайзияда ўтказилган карлар ўртасида Осиё ўйинларига тайёрланаётган мамлакатимиз курашчилари жамоаси билан муттасил шуғулланиб, ўз тажрибалари билан ўртоқлашмоқда. 2005 йилда эса Австралиянинг Мельбурн шаҳрида карлар ўртасида олимпиада ўйинлари ўтказилади. Ўзбекистонлик курашчилар мазкур нуфузли турнирда ҳам муносиб қатнашиш ниятида.

Биз букилмас иродага эга бўлмиш Пўлат Жўраевнинг шогирдларига юқоридаги нуфузли халқаро мусобақаларда муваффақият тилаймиз.

Дамир НУРМАТОВ

СУРАТДА: тажрибали мураббий Пўлат Жўраев шогирдига гиламга чиқиши олдидан йўл-йўриқлар бермоқда.

ЛАТИФАЛАР

Сайёҳ жунглида юриб, тинмай дўмбира чалаётган ерлик одамнинг олдидан чиқиб қолди.
— Нима қилаяпсиз? — сўради сайёҳ.
— Бир неча ҳафтадан бери сув йўқ.
— Ҳа, тушунарли... худодан ёмғир сўраяпсиз.
— Бемаънилик! Сантехник қақиряпман.

Машҳур саёҳатчи меҳмондорчиликда ўтириб ўзининг одамхўрлар орасида қандай яшаганини гапириб берарди.
— Вой худо! — хитоб қилди уй бекаси. — Мен бўлсам қўй гўштидан овқат тайёрлабман!

— Икки хотинлилик қандай жазоланади?
— Иккита қайнона билан.



Сўзсиз сурат.

Абдураул Ҳакимов чизган расм.



Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
5252 нусхада босилади. Қўғоқ бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кўнлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича тузур жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилиниши мумкин.

Газета «Тошкент оқишми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-маъбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.